

А.А. Темиров, и.ф.н., ТДИУ

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

*В данной статье проанализирована роль инновации в деятельности малых предприятий и в дальнейшем развитии инновационной деятельности субъектов малого предпринимательства, раскрыта сущность организационных проблем при применении инновации в производство, определены пути улучшения конкурентоспособности продукции путём применения инновации в деятельности, также даны рекомендации по совершенствованию финансирования инновационной деятельности субъектов малого бизнеса.*

*This article analyzes the role of innovation in small businesses and in the further development of innovative activity of small businesses, reveals the essence of organizational problems in the application of innovation in production, identify ways to improve product competitiveness through the application of innovation activities also provided recommendations to improve the financing of innovation actors small businesses.*

**Калитли сўзлар:** инновация, кичик корхона, стратегия, маҳсулот, баҳо, молиялаштириш, патентлаш, имтиёз.

Фаолият юритувчи ҳар қандай корхона, шу жумладан кичик бизнес субъектлари ўзининг бозордаги ўрни ва улуши ҳамда кўзлаган стратик мақсадларига эришиш учун инновацияларга катта аҳамият беради. Инновациялар илмий изланиш ёки кашфиёт асосида ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилган ва аввалгисидан фарқланувчи объектдир. Инновация тушунчаси иқтисодий, ташкилий, молиявий ва бошқа соҳаларда жорий этилган ҳамда иқтисодий ва ташкилий тежамкорликни таъминлашга ёрдам берадиган ҳар қандай янгиликка нисбатан қўлланилади. Корхоналарнинг инновация фаолияти улар фаолиятида илмий тадқиқот натижаларини техник, технологик ва ташкилий иқтисодий янгилигини ишлаб чиқиш ва амалий қўллашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги ПҚ-1590-сонли қарорига асосан солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшаган маблағлар корхоналарда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш, илмий тадқиқот ва тажриба-

конструкторлик ишланмаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган<sup>1</sup>. Бу эса барча корхоналарда, шу жумладан кичик бизнес субъектларининг илмий, илмий тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги кооперацион муносабатларини мустаҳкамлашга олиб келади. Бу эса, кичик бизнес субъектларига инновацион лойиҳалар устида жиддий ишлар олиб боришига туртки беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, “Юртимизда қабул қилинган 2011 – 2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда”[1].

Инновацион фаолиятни ишлаб чиқаришга жорий этаётган қарийб ҳар бир кичик корхона унинг ташкилий муаммоларига дуч келади. Бундай муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- илмий-техник янгиликларни яратиш ва шакллантириш;
- лойиҳаларни, унинг ташкилий-меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш;
- янгиликларнинг ташқи ва ички муҳитга мослашувчанлигини таъминлаш;
- янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Маълумки, инновациялар товар (маҳсулот), технологик, мажмуавий ва ташкилий-бошқарув кўринишларида намоён бўлади. Кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятида асосий эътибор маҳсулот ва технологик инновацияларга қаратилади. Мазкур инновацияларнинг улар иқтисодий мақсадларига эришишларидаги таъсир йўналишлари янги маҳсулот бирлиги ҳамда аввалги маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига уларнинг ҳақиқий сотиш баҳосини таннарх билан боғлаш орқали фойдасини кўпайтириш имконини беради.

Кичик корхоналарнинг инновацион фаолият орқали яратган янги маҳсулотларини юқори баҳоларда сотиш қуйидаги шартларга боғлиқ. Булар:

- янги маҳсулотнинг ҳақиқатда мавжуд бўлган қондирилмаётган талабга мос тушиши;
- янги маҳсулотга бўлган талаб даражасининг фаол маркетинг сиёсати орқали ортиши.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даврларининг босқичларига асосан, корхона янги яратилган маҳсулотини узоқ вақтгача юқори сотиш баҳоси орқали

<sup>1</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

қўшимча фойда олиш имкониятини ушлаб тура олмайди. Чунки бозорда айнан шундай маҳсулотни ёки шунга ўхшашини ишлаб чиқарувчи рақобатчилар ўз маҳсулотларини нисбатан арзонроқ сотиб, бозордаги баҳога таъсир ўтказишлари мумкин, бошқа томондан эса мавжуд маҳсулот бозори монополь характерга эга бўлган тақдирида ҳам унда янги ишлаб чиқарувчи корхоналар пайдо бўлиши мумкин[2].

Шу сабабли ҳам, кичик корхонанинг янги маҳсулот турининг сотиш баҳоларини юқори қилиб белгилаш орқали оладиган фойдаси узоқ вақтга чўзилмаслиги мумкин. Демак, ривожланишни мазкур стратегияга кўра танланилиши корхонага кўзлаган мақсадига эришиш имконини бермайди.

Бу ҳолат, бир томондан, янги маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш технологияси соҳасида вақтинча монополияга интилиш кичик бизнес корхоналарининг маҳсулотни янгилаш билан шуғулланишлари учун етарли омилдир, бошқа томондан эса, бундай монополия вақтинчалик характерга эга.

Маҳсулот инновацияларида кичик бизнес субъектлари маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш ҳисобига фойдани кўпайтириш имконига қуйидаги ҳолатларда эга бўлади:

- бозорга таклиф этилаётган маҳсулотлар аввалгиларига нисбатан харидорлиги ва хусусиятларига кўра бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг харидорларини ўзига оғдириб олади ва бунинг ҳисобига сотиш ҳажмини кўпайтиради;

- янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига мавжуд талабни қондириш орқали маҳсулот сотиш ҳажмини оширади;

- янги маҳсулотни бозорга таклиф қилиш орқали бошқа корхоналарда мавжуд бўлмаган янги бозорни яратади ва сотиш ҳажмини оширади.

Маълумки, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти натижасида ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- маҳсулот сифати ва баҳоси;
- буюртмалар бўйича маҳсулотнинг етказилиш муддатлари;
- маҳсулотдан фойдаланишдаги техник хизматнинг сифати ва оперативлиги ҳамда қиймати.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичларнинг яхшиланиши кичик корхонанинг инновацион фаолиятига боғлиқдир. Фикримизча, бунда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор бериш керак:

- янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда унинг сифатини ошириш, унинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш зарур;

- янги маҳсулот қанчалик арзон бўлса, шунчалик рақобатга чидамли бўлади, бу эса ўз навбатида, унинг таннархининг пасайтирилишини талаб қилади;

- кичик корхона томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот истеъмолчилари маҳсулот ўлчамлари ва сифат белгиларига кўра табақалаштирилиши лозим, бунга эса дастлабки маркетинг тадқиқотлари орқали эришиш мумкин;

- кичик корхона бозор кўламини кенгайтириш учун янада юқори конструкторлик ва технологик янгиликларни жорий этиш зарур;

- янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун реал имкониятларни ҳисобга олиш, уни юқори сифатда ва фойдаланиш учун қулай шаклда истеъмолчига етказиш тавсия этилади.

Корхоналарнинг бошқарув тизимида инновацион менежмент катта аҳамиятга эга. Инновацион менежмент маркетинг, ташкилий ва иқтисодий фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштириш, уларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш каби ташкилий жараёнларнинг бирлиги ифодасидир.

Корхоналар фаолиятига аниқ маҳсулот, технологиялар, бозорлар, бошқариш услубларига оид алоҳида янгиликларнинг жорий этилиши корхона менежерларидан маълум шароитлар таъминланишини талаб этади. Булар:

- ходимларда янги иш турларини бажаришларида маълум кўникмалар ҳосил қилиш;

- инновацион фаолиятга бутун корхонани ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида йўналтира олиш.

Мазкур жараёнда бошқариш объекти сифатида корхона ходимлари чиқади, чунки инновацион фаолият кишиларнинг ижодий қобилиятлари ва кучларининг намоён бўлиши ва уни амалга оширишдир. Демак, инновацион фаолиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан менежментнинг асосий вазифаси сифатида ходимларда мавжуд ижодга, яратувчанликка, янгиликларни жорий этиш ва уларни амалга ошириш учун қулай шароитларни таъминлашга қодир бўлган потенциал имкониятларни аниқлаш майдонга чиқади[3].

Ҳозирги кунда мамлакатимиз кичик бизнес субъектлари фаолиятида инновацион менежментни ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларига, хусусан унинг молиялаштирилишига етарлича эътибор берилмаяпти. Кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини молиялаштириш асосан ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар, хусусан, инвестициялар, кредит ва қарз маблағлар ҳамда бюджет дотацияси ҳисобидан амалга оширилади.

Бу манбалар ичида банк кредитидан фойдаланиш амалиёти анча кенг тарқалган. Кичик бизнес корхоналари ўз инновацион ғояларини амалга оширилишини молиялаштирилиши учун тижорат банкларига берган аризалари

иқтисодий-молиявий ҳисоб-китоблар, чизмачилик-конструкторлик ишлари, экспериментал натижалари ва намуналари билан бирга бўлиши банк ишончини қозонишдаги муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, кичик бизнес субъектлари имкониятларига қараб инновацион фаолият маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши, бозорга етказилиши ва сотилиши билан боғлиқ вазифаларни тижорат банклари ўз зиммасига олиши мумкин, яъни банк мазкур янгиликни ўзлаштирадиган корхоналарни ва зарур хом-ашёларни қидириб топиш, керакли ускуналар сотиб олиш, реклама фаолиятини ва маҳсулотни сотишни ташкиллаштириши ҳам мумкин. Фақат, бу вазифалар инновацион фаолият бўйича бошланғич ишнинг яхши натижа беришига тўла ишонч ҳосил қилингандан сўнггина амалга оширилади.

Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- кичик корхоналарнинг инновация шаклидаги ишлаб чиққан илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини субсидия шаклида молиялаштиришни жорий қилиш;

- инновацион фаолиятни имтиёзли кредитлаш;

- инновацион фаолиятга йўналтирилган маблағларга солиқ имтиёзи бериш (кичик корхоналарнинг аксарияти ягона солиқ тўлови тизимида фаолият кўрсатади, демак бу тизим бўйича ҳам имтиёз берилиши зарур);

- илмий ва юқори технологик ускуналарни импорт қилишда божхона имтиёзларини қўллаш;

- патентлаштириш чоғида имтиёзлар қўллаш, патент тўловларини тўлашда қулайликлар яратиш;

- кичик бизнес корхоналарига инновацион фаолиятини ривожланишига кўмаклашувчи худудий марказлар очиш орқали ташкилий маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш, бу марказлар қатор масалалар бўйича зарур маълумотлар беришдан бошлаб кредит олишга кўмаклашиш, шунингдек, тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатишгача бўлган хизматларни бериши мумкин;

- инновацион лойиҳанинг истиқболларига кўра кичик бизнес корхоналарини бюджет орқали молиялаштириш масаласи ҳам қўйилиши мумкин;

- тармоқ идоралари, маҳаллий маъмурият ва йирик корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасидаги битимлар ва буюртмалар тизимини янада такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган шароитлар яратиш ва уни амалга ошириш кўп жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Шу сабабли ҳам кичик

корхоналарнинг инновацион фаолияти ривожлантирилишида давлатнинг ролини ошириш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014.-45 б.
2. Гринев В.Ф. Инновационный менеджмент. Учебное пособие, 2-изд. К.МАУП. 2004,-152 с.
3. Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент. Учебник, 4-е изд. – СПб.: Питер, 2003. -400 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 916-сонли қарори.